


МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ
ИНСТИТУТИ

Рашидхон Шукуров

**Ёт юртдан
излама толе
юлдузин**



**1001
тўртлик**



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2011

УДК: 821

ББК: 84(5Ўзб)7

Ш–91

Шукуров Р. Ёт юртдан излама толе юлдузин / 1001 тўртлик. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – 232 б.

Ушбу китобдан жой олган тўртликларда шоирнинг бой ҳаётий кузатишлари ҳамда халқ мақоллари, доноларнинг ҳикматлари, адиб ва олимларнинг ҳур фикр сўзларидан таъсирлангани сезилади. Уларда инсонларнинг турфа феъл-атвори, руҳий оламидаги фазилатлар ва иллатлар ҳақида холис ва жўшқин фикрлар айтилган.

Мазкур тўпلام китобсевар халқимиз томонидан илиқ кутиб олинишига шубҳа йўқ.

УДК: 821

ББК: 84(5Ўзб)7

Масъул муҳаррир:

Анвар ЮНУС,

шоир, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тақризчилар:

Маҳкамжон МАҲМУДОВ,

ёзувчи, Ўзбекистон фалсафа жамияти аъзоси

Рустамжон ТОЖИБОЕВ,

филология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-08-712-5

© Р.Шукуров. «Ёт юртдан излама толе юлдузин». «Янги аср авлоди», 2011.

ИНСОНИЙЛИК ВА ЯХШИЛИК ШАЙДОСИ

Мен Рашидхон Шукуровни истеъдодли олим, талантли шоир ва публицист сифатида кўп йиллардан бери яхши биламан. Сўнгги ўн йил ичида у шоир сифатида кўп меҳнат қилди, бир неча шеърий тўпламлар эълон қилиб, сўз санъати мухлислари эътиборига сазовор бўлди. Айниқса, тўртлик жанрида баракали ижод қилди.

Р. Шукуровнинг янги «Ёт юртдан излама толе юлдузин» тўплами унинг олтинчи шеърий китоби бўлиб, 1001 тўртликдан ташкил топган. Улар ҳаётнинг пасту баландини яхши билган, турмуш машаққатларига мардоналик билан дош берган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўб тотган инсоннинг фалсафий қарашларидан иборат, десак янглишмаган бўламиз.

Унинг зийрак нигоҳидан ҳаётдаги майда-чуйда воқеа-ҳодисалар ҳам четда қолган эмас. У бир кичик тушунчадан ҳам фалсафий хулосалар чиқара олишга қодирлигини чиройли мисраларда кўрсата олган.

Китобдаги тўртликлар 32 та мавзуга ажратилган бўлиб, биринчиси «Умрингдан азиз бил, Ватан тупроғин» бўлимидир. Унда 26 та тўртлик берилган:

Жон қадар суймоққа Ватанинг бўлсин,
Меҳрини туймоққа Ватанинг бўлсин.
Ҳориганда азиз остонасига,
Бошингни қўймоққа Ватанинг бўлсин.

Ватанга муҳаббат, садоқат ва фидойилик туйғуси тўпламининг шу бўлимигагина дахлдор эмас, балки шоир ижодининг асосини ташкил этади: «Дунё жарангласин айтар сўзингдан», «Илм излар бўлсанг кенг бўлсин кўнглинг», «ҳар мушкул қошида ақлдор мезон», «Маърифатдан келар барча эзулик», «Боболар авлодга айтиб кетмишлар», «Донолар ҳикмати бўлсин ёдингда» сингари бўлимлар ҳам шу руҳ билан суғорилган.

Шоир тўпламининг «Ўзингни чоғлагин буюк ишларга», «Инсонни парвозга чорлайди меҳр», «Қалбингга ишониб кечиргин ҳаёт», «Умид тугиб турар ҳаёт дарахтин», «Интилиб яшамок жоиз бир умр» каби бўлимларида яшаш учун жасорат ва ишонч мезон бўлиши баён этилган:

Олам яралгандан токи ушбу дам,
Табиатнинг улуғ фарзанди одам.
Енгай десанг сўнгни ироданг жамлаб,
Йиқилиш олдидан бос шаҳдам қадам.

Ҳозирги пайтда дунё аҳлини ташвишга солаётган экология муаммоси ҳам шоир нигоҳидан четлаб ўтмаган:

Деган экан ўз ўғлига Луқмони ҳаким:
– Кам гапиргин, кам егину кам ухла, ўғлим.
Орзу қилсанг қаримасдан юз йил яшашни,
Табиатни онанг каби севишинг лозим.

Тўртликларнинг шаклида ҳам, мурожаат қилинган образлар тизимида ҳам ижодкорнинг ўз овози, ўз тушунчаси ва муносабати яққол сезилиб туради. Шеърят пайдо бўлибдики, у эзгуликка ошно, ёвузликка рақиб, адолатга ташна, зулмга қасоскор бўлиб яшайди. Шу маънода Рашидхон Шукуров тўртликларида ҳам яхшилик ва ёмонлик икки қутбни ташкил этади. Улар ўртасида кураш осойишта, мулоҳазакорлик билан илгари сурилади. Масалан, ҳаётда сиртдан фариштадек кўринган иблислардан ҳушёр бўлиш, худди шундайлар ўз қилмишлари билан инсониятга катта зарар келтиришини кўримли образлар орқали ифодалаб беради:

Қалтираган қўлларда тутиб эгри камонлар,
Ҳақиқатга ўқ отди фирибгари замонлар.
Ҳалол ризқни тарк этиб, ҳаромга чўзди қўлни,
Фариштанинг тўнини ўғирлаган шайтонлар.

Р. Шукуров масаланинг моҳиятига босиқлик билан яқинлашади. Чунки у ўзига ҳам, ўқувчига ҳам мурожаат қилаётгани йўқ, балки муаммони ўртага ташлаяпти, ечимини топишни бизга ҳавола қилаяпти.

Мен Р. Шукуровнинг тўртликлари хусусида кўп ва хўп гапиришим мумкин. Чунки уларни ўқиб кўнглим тўлди, дилим равшан тортди. Ортса – фил кўтара олмайдиган маънони гугурт қутисидек ҳажмга сиғдириш осон эмас. Рашидхон бунинг уддасидан чиққанлиги мени хурсанд қилди.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
филология фанлари доктори, профессор.

УМРИНГДАН АЗИЗ БИЛ, БАТАН ТУПРОҒИН



1. Батан меҳрин қўшдик пок қонимизга,
Фозил фарзанддурмиз замонимизга.
Яшармиз она халқ бахтин қўриқлаб,
Ҳаёт синов эрур имонимизга.

* * *

2. Куйдириб ташлади жаҳонимиз чўғ,
Оталар кўксига қадалганда ўқ.
Оқил фуқарога фаровон ҳаёт,
Батан тинчлигидан юксак фахр йўқ.

* * *

3. Яшнаган боғлардек майли, берма бол,
Элу юрт юкини ўз елкангга ол.
Бўйин товламагин халқнинг коридан,
Қаҳрамон бўлмасанг, инсон бўлиб қол.

* * *

4. Елга совурмас доно умрнинг шахдин,
Юракда ўстирар поклик дарахтин.
Элга нафи тегиб яшайди мудом,
Чин инсон ўйлайди барчанинг бахтин.

5. Юксакка интилмоқ инсоннинг бурчи,
Ҳаётда панд берар хаёлнинг пучи.
Элу юрт кори деб йўл олса ботир,
Тоғни талқон этар ирода кучи.

* * *

6. Бўстонлар ичида учрар баъзан зоғ,
Хасу хашак титиб кўнглин этар чоғ.
Ўз қадру қимматин унутса кимки,
Ватан шаънига ҳам тушургайдир доғ.

* * *

7. Ҳаёт йўлларимда учраганда гард,
Гоҳо юрагимни ўртар оғир дард.
Бор-ку эл тузини оқламаганлар,
Юртдан ким юз ўгирса эмасдур фарзанд.

* * *

8. Текинхўр, олчоқлар учунмас, ҳайҳот,
Элу юрт ҳақидур фаровон ҳаёт.
Ақли ожизларга раҳмим келади,
Бахтсиздур Ватанни севмаган ҳар зот.

* * *

9. Ихтиёр этсанг гар жудолик чоғин,
Фурқатдан сўрагин юртнинг фироқин.
Олислардан Ватан гардин топмасанг,
Умрингдан азиз бил, Ватан тупроғин.

10. Аввало англаб ет, эзгулик нима,
Ёлғиз дош беролмас тўфонга кема.
Элу юрт бахти деб, бос ҳар қадамни,
Ўзгалар ғамин е, фақат мен дема.
* * *
11. Аждодлар бу юртни севмаган бежиз,
Ризқ излаб олисга солмаганлар ҳирс.
Ватан ҳижронини бошга солмасин,
Тўйдирган ердан минг туққан ер азиз.
* * *
12. Мард боши эгилмас андуҳ селида,
Алпомиш қуввати бўлса белида.
Ёт юртдан изламас толе юлдузин,
Гул ерда кўкарар, йигит элида.
* * *
13. Чин инсон бош эгмас ёмғирга, қорга,
Мардлар қишни енгиб етар баҳорга.
Эътиқоддин юксак бахт йўқ жаҳонда,
Эр йигит Ватанни сотмайди зарга.
* * *
14. Нақадар бахтиёрдур ўз халқига суюклар,
Келажак ёди билан юрак бағри куюклар.
Жонидан ортиқ кўрар башарият иқболин,
Инсоният бахти деб жон беради буюклар.

15. Минг шукур, ҳаётда кўрмадим хорлик,
Боболарим этган бу юртни тортиқ.
Мамнун яшаяпман бахтга ёр бўлиб,
Ҳеч нени севмадим Ватандан ортиқ.

* * *

16. Кайковус ҳикмати дилингда бўлсин,
Рустамнинг қуввати белингда бўлсин.
Содиқ ўғлон бўлгин эл хизматига,
Юракда не бўлса, тилингда бўлсин.

* * *

17. Ўзингга ёлвориб қиларман нидо,
Ҳар банданг бошига толе бер, Худо.
Умр бўстонида фасли гул чоғи,
Булбулни чамандан қилмагил жудо.

* * *

18. Қадимий мақол бор бу кўҳна Шарқда,
Эрта тургил, ризқ келар саҳарда.
Туғилган шаҳрида нон тополмаган,
Қорин тўйғизолмас ўзга шаҳарда.

* * *

19. Ботирлар қон кечганда, асал ялаб ётганлар,
Бойлик учун ўзини ёв пойига отганлар.
Миллатнинг гулимандеб, кўкрагига урса ҳам,
Одамликка эп бўлмас Ватанини сотганлар.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/2208>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2208>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2208>